

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМДА УЗВИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ БАРҚАРОР СИФАТНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛИ

Қўйсинов Одил Алмуротович -

*Халқаро Нордик университети проректори,
педагогика фанлари доктори, профессор, (DSc) dilodil@mail.ru*

Бугун мамлакатимизда “Янги Ўзбекистон – янги Ренессанс сари” шиори остида таълим соҳасида улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Таълим тўғрисидаги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди, Мактабгача таълим тизимида 6-7 ёшли болалар учун стандарт жорий этилди, умумий ўрта таълим 11 йил этиб белгиланди, ўрта маҳсус таълим тизимида жиддий ислоҳатлар амалга оширилиб, турли муддатли бошланғич, ўрта ва ўрта маҳсус профессионал таълим муассасалари ташкил этилди. Олий таълим тизимида сиртқи, кечки, масофавий таълим шакллари жорий этилди. Кредит модул тизими жорий этилмоқда, олий таълим тизими қамрови ошиб, халқаро андозаларга яқинлашмоқда.

Таълим тизимида Нимани ўқитиш керак?, Қандай ўқитиш керак? ва Ким ўқитади? деган саволлар мазмунни ташкил этади. Дастреб нимани ўқитиш керак? деган саволга жавоб беришимиз мақсадга мувофиқ. Узоқ йиллардан буён ушбу жараёнга етарлича ахамият берилмай қолаётганлиги, таълим турлариаро интеграциянинг йўлга қўйилмаганлиги ҳамда таълим мазмунни узвийлиги бўйича чора-тадбирлар етарлича ишлаб чиқилмаганлиги ҳозирда ушбу муаммони долзарб жараёнга айлантириди. Шунингдек **инсон капитали индексида** Ўзбекистоннинг муносиб иштирокини таъминлаш ҳамда халқаро тадқиқотларда юқори ўринларни эгаллаш мақсадида таълим мазмунида узвийликни таъминлаш ва халқаро баҳолашда самарадорликка эришиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Биз нима учун инсон капитали индекси ва халқаро баҳолаш дастурларида муносиб ўрин эгаллашимиз лозим?

Маълумки, Жаҳон Банки томонидан дунё давлатларининг 2020 йил учун Инсон капитали индекси 2020 йил сентябрь ойида эълон қилинди. Дунё аҳолисининг 98 фоизи истиқомат қилувчи 173 та мамлакат иштирок этган мазкур рейтингдан илк маротаба Ўзбекистондаги соглиқни сақлаш ва таълим соҳасига оид маълумотлар ҳам ўрин олди. Натижаларга асосан Ўзбекистон 0.63 фоиз кўрсатгич билан 50-57 ўринда қайд этилган.

Ушбу рейтингдаги Ўзбекистон натижаларини, хусусан, юртимизда инсон капитали ривожлантиришида таълим сифатинининг, халқаро тадқиқотларнинг аҳамияти, бу борадаги мавжуд ютуқ ва камчиликларни соҳа вакиллари иштирокида муҳокама қилиши орқали келгусидаги режаларни белгилаб олиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Зеро, муҳтарам Президентимиз ҳам юртимизда илм-фан тараққиёти масаласига тўхталаар эканлар “Бу ишлардан асосий мақсад мамлакатимизда инсон капиталини ривожлантириши. Хомашё ва уни қайта ишилаш билан

узоққа бориб бўлмайди. Қолаверса, ишлаб чиқаршида қўшиимча қиймат олиш учун ҳам инновациялар керак. Шу боис илм-фан тараққиётимизнинг муҳим йўналиши, таянчи бўлади," – деб таъкидлаган эдилар. Инсон капитали – бу келажсак иши ўринлари учун зарур бўлган билим ва кўникмалардир.

Жаҳон банки томонидан дунё мамлакатларининг инсон капитали индекси илк маротаба 2018 йилда эълон қилинган. Ўзбекистонда мазкур рейтингдан ўрин олиши учун ҳаракатлар бир неча йил олдин бошланган. 2020 йилда эълон қилинган "Инсон капитали индекси-2020" рейтингида Жаҳон банки вакиллари Ўзбекистоннинг индекс тадқиқотларида биринчи марта шитирок этаётганини ҳисобга олиб, индекс учун маълумотлар тайёрлаш ва халқаро рейтингни аниқлаш учун ташкил қилинадиган синовларни ўтказишида музокаралар ва семинар-тренинглар олиб борилмоқда.

2019 йилнинг ноябрь ойида Жаҳон банки билан ҳамкорликда халқаро эксперталарни жалб қилган ҳолда TIMSS халқаро тадқиқотлари саволлари асосида математика бўйича мактаб ўқувчиларининг билимини ўрганиши бўйича синовлар ташкил этилди. Таъкидлаш жсоизки, ушбу синовлар учун амалий кўникма ва мантиқий фикрлашини баҳолашга қаратилган саволлар халқаро тан олинган тестологлар томонидан тузиб берилди. Мазкур синовларда қайд этилган натижалар ҳам Жаҳон банки томонидан Ўзбекистонда инсон капиталини аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқотларда фойдаланилди. Натижаларга кўра, ўқувчиларнинг ўртacha билим кўrsatkiчи шкала бўйича 474 бални ташкил этди. Ўқувчилар томонидан олинган билимлар миқдорини ҳисобга олган ҳолда болаларда ўртacha мактаб йиллари 9,1 йилни ташкил этади.

Жаҳон банки тадқиқотларида стандартлаштирилган тест натижаларига кўра, ўқувчиларнинг билим кўrsatkiчи 625 балл энг юқори, 300 балл эса энг паст кўrsatkiч деб олинадиган бўлса, Ўзбекистон қайд этган натижани тадқиқотлардаги биринчи шитирок учун яхши натижса сифатида баҳоланмоқда.

Маълумки, Халқ таълими тизимини ривожлантириши концепциясида 2030 йилга келиб Ўзбекистоннинг PISA (The Programme for International Student Assessment) Халқаро ўқувчиларни баҳолаш дастури рейтинги бўйича жаҳоннинг биринчи 30 та илгор давлатлари қаторига киришига эришиши белгиланган. Ўзбекистон илк маротаба PISA (15-16 ёшли ўқувчилар билимини баҳолаш бўйича халқаро дастур) ва PIRLS (бошланғич синф ўқувчиларининг матнни ўқиши даражаси ва сифатини баҳолаш) халқаро тадқиқотларида шитирок этди. Хозирча PIRLS (бошланғич синф ўқувчиларининг матнни ўқиши даражаси ва сифатини баҳолаш) натижалари эълон қилинди. Натижага аосан Ўзбекистон 57 давлат орасида ўртacha баллдан пастроқ натижани қайд этиб, 49-уринни эгаллади.

Жаҳонинг 90 га яқин ривожланган давлатлари иштирок этадиган PISA тадқиқотлари натижаларидан келиб чиқиб юртимизнинг келгуси ривожланишига, инсон капиталига баҳо берилади. Узоқ муддатга хорижий инвестиция киритадиган йирик корхоналар томонидан ушбу рейтинг натижалари инобатга олиншидан ҳам ушбу жараён ривожланиб бораётган мамлакатимиз учун қай даражада муҳим эканлигини ҳис қилиши мумкин.

Индекс давлатлар ўз фуқароларининг салоҳиятидан қай даражада самарали фойдаланаётганини ўлчашга йўналтирилган, бу орқали мамлакатда келажак авлодга қилинган инвестициянинг самардорлигини ўлчаши имкони яратилади. Инсон капитали инсонлар умри давомида тўплаб борадиган билим, кўнишка ва саломатликдан иборат, булар инсонга жасиятнинг керакли аъзоси сифатида ўз салоҳиятини руёбга чиқаришга имкон беради.

Таълим ва соғлиқни сақлашга бўлган эътиборсизлик туфайли мамлакат қанча зарар кўриши мумкинлиги ва бу зарар бутун бошли келажак авлодга салбий таъсир этиши ҳам таҳлил қилинади. "Эълон қилинган [индексга](#) 2020 йил март ойигача, яъни пандемиягача бўлган маълумотлар киритилган.

Жаҳон банки маълумотларига таянадиган бўлсак, айнан инсон капитали сифати давлатларнинг иқтисодий ривожланиши даражасидаги 30 фоиз тафовутни белгилайди.

"Инсон капитали индекси" рейтингини шакллантиришида қуийдаги 3 та асосий кўрсаткичларга асосланилади:

- омон қолиши даражаси (бугун тугилган боланинг 5 ёшгача яшаш эҳтимоли),
- таълим (таълим давомийлиги ва сифати),
- саломатлик (мактаб бити्रувчиларини меҳнат бозорига меҳнатга яроқли соглом инсон сифатида чиқиши).

Бу компонентлар 6 та кўрсаткич бўйича: янги тугилган боланинг 5 ёшгача яшаб қолиши эҳтимоли, таълимнинг давомийлиги, таълим натижалари (билим даражаси), сифатли таълим олиши давомийлиги, вояга етган болаларнинг яшаб қолиши даражаси, соглом ўсиш (нуқсонсиз ривожсланаётган болалар улуши) қараб баҳоланади.

Ўзбекистон ҳам мазкур рейтингда илк маротаба қатнашиб, 63 фоизлик натижса қайд этди. Бошқача айтганда, пандемиягача бўлган даврда Ўзбекистонда тугилган бола ўзининг маҳсулдорлик салоҳиятини ўртacha 63 фоиз қўллай олади деб баҳо берилмоқда.

Мавзунинг долзарблиги.

Президентимизнинг 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сон қарори иловасининг 4-бандида "Мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий

таълим ўқув дастурларининг узвийлигини таъминлаш” топшириғи белгиланган. Унга кўра фан дастурларининг мазмун моҳияти, мавзуларнинг мантиқий кетма-кетлиги ва узвийлигини таъминлаш ҳамда таълим олувчиларда шаклланиши зарур бўладиган билим, қўникма ва компетентликлар даражасини белгилаш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимида ўқув дастурлари узвийлигини таъминлаш босқичлари схемаси” ишлаб чиқилди ва қуидаги вазифалар белгиланди:

-узлуксиз таълим тизими учун фанлар кесимида концепциялар ишлаб чиқиш;

-фанлар кесимида барча таълим турларида ўтиладиган мавзулар бўйича таҳлилий қиёсий жадваллар тайёрлаш;

-мактабгача, умумий ўрта, ўрта маҳсус, профессонал ва олий таълим муассасалари учун узвийлиги таъминланган ўқув дастурларини тайёрлаш;

Хорижий тажрибаларни жумладан: Финляндия тажрибасини ўрганиш, узвийлик, узлуксизлик мантиқий кетма-кетлик, изчиллик ва тизимлиликка эътибор бериш.

Вазифа юзасидан ўрганишлар натижасида фан дастурлари узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлашда қуидаги бирламчи муаммоларни аниқладик:

- Узлуксиз таълим турлариаро фан хусусиятидан келиб чиқсан холда обьект ва субъект танлови ва мазмунида номутаносибликлар мавжудлиги;
- Узлуксиз таълим турлариаро босқичларда мавзуларнинг айнан ёки мазмунан такрорланиши борлиги;
- Такрорланиш ва ортиқча вақт эвазига ўқитувчи ва ўқувчининг вақти бесамар сарфланиши;
- Таълим босқичларида айрим мавзуларга ортиқча вақт ажратилганлиги, назарий машғулотларга кўп вақт ажратилганлиги ва х.

Мақсад.

Таълимнинг мазмунини ўқув дастурлари белгилар экан, уларнинг таълим турлари ўртасидаги боғлиқлиги, фанлараро, синф/курслараро узвий бўлишини таъминлаш муҳим. Таълимдаги кенг қўламли ислоҳотларда нафақат шаклан ўзгариш билан бирга сифатни таъминловчи мазмун ўзгаришини қилишимиз керак.

Илмий янгилик.

“Узлуксизлик” ва “узвийлик” терминлари ўзбек тилида кўп ҳолларда аралаш ишлатилади. Арият ҳолларда “узлуксизлик” терминини кўпроқ шаклан таълим турлари орасида боғловчи термин сифатида, “узвийлик” терминини эса кўпроқ мазмунга боғлиқ равишда ишлатишга ҳаракат қилдик.

Таълимда узлуксизлик - таълимнинг давомийлигини англатиб, мактабгача таълимдан тортиб, то олий таълимдан кейинги таълим турларигача давлат кафолати остида муайян касб, мутахассисликка эга бўлиши тушунилади.

Таълим мазмуни узвийлиги - таълим бериш жараёнининг ҳар бир босқичи аввалгисининг негизида юзага келганлиги, унинг ички таркибини ва шароитини ташкил этганлиги сабабли барча босқичлар ўртасида ўзаро алоқа

мавжуд бўлиб, нафақат шакл, балки мазмун жиҳатидан амалга оширилиши учун янги мавзуда такрорланишларнинг бўлмаслиги, мазмунан бир хил машқларнинг механик такрорланишларига йўл қўймаслик, аксинча, мавзунинг соддадан - мураккабга томон тамоили асосида ривожланиб боришига эришишdir.

Хорижий тажриба.

Бу жараёнларни ташкил этишда **Финляндия тажрибаси** ҳам ўрганилмоқда. Жумладан, 2023 йил 10 та педагогик олий таълим муассасасининг 25 нафар раҳбар ходимлари ва профессор-ўқитувчилари Финландиянинг Хельсинки, Юваскула, Карелия, ва ЖАМК амалий фанлар ва педагогика институтларида стажировка дастурида иштирок этишди. Финландиянинг Ўзбекистондаги консуллик ҳамкорлигига 10 дан ортиқ семинар вебинарлар ташкил этилди. Илкка Тайпале муаллифлигидаги «Финляндиянинг 100 та ижтимоий инновацияси» номли ўзбек тилидаги қўлланмаси чоп этилди. Финляндия умумий ўрта таълим мининг ўқув дастурлари (604 саҳифа) топилиб, ўзбек тилига таржима қилинди.

Финляндияда ўқув дастурини тайёрлашда дарс машғулотларини ўтиш предметли ёки интеграл бўлиши мумкин. Бизнинг ўқув дастурлардан фарқли яна бир жиҳат – бу интеграл ёндашувли таълим. Бунда бир мавзу маълум вақт (соат, кун, ҳафта) давомида бир нечта фан орқали ўқитилади. Масалан, “Ватан” мавзуси, она тили, адабиёт, чет тилида тил ва тарбия нуқтаи назаридан, география, тарих фанларида жойлашиши ва ўтмиши, математика, иқтисодда мамлакатнинг реал даромадлари, ракамлар билан боғлиқ жиҳатлари, табиий фанлар ўз йўналишидаги масалалар доирасида каби ... Ҳар қандай ҳолатда мактаб сифатли таълим беришни кафолатлади.

Маълумки, таълим жараёни - нимани ўқитамиз (ўқув дастури), қанча ҳажмда ўқитамиз (ўқув режа), қандай ўқитамиз (методика), ким ўқитади (кадр)? каби саволларга жавоб топиш орқали ташкил этилади. Шундан қанча ҳажмда ўқитамиз деган саволга Финляндия мактабларининг ўқув режаси билан қизиқдик. Финляндия мактабларининг ўқув режасига кўра 9 йиллик ҳафталик умумий юклама **233 соатни** ташкил қиласи, мажбурий 224 ва факультатив 9 соат. Бу кўрсаткич Ўзбекистонда 1-9 синфларда **246 соатни** ташкил этади. (+10-11 синфлар учун 68 соат).

Асосий қисм.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш ҳамда узлуксиз таълим тизимида ўқув дастурлари мазмунида узвийликни таъминлаш максадида умумий ўрта таълимда ўқитиладиган 21 та фанлардан таълимнинг барча босқичларидан 334 нафар тажрибали эксперталарни жалб қилган ҳолда улар томонидан амалдаги ўқув дастурлари таҳлил қилинди. Ишчи гурух аъзолари томонидан узлуксиз таълим тизими учун концепциялар ишлаб чиқилди, ўқув дастурлари билан бирга (<http://www.uzviylik.tdi.uz>) порталига жойлаштирилди. Концепция ва ўқув дастурлари лойиҳаларига 3 000 дан ортиқ таклиф ва муносабатлар билдирилди.

Мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларида узвийликни таъминлашга қаратилган концепцияларда ҳар бир таълим йўналишининг мавжуд муаммолари, шу фанни ўқитишининг мақсад ва вазифалари, стратегияси, ўқув-методик таъминотини яратишдаги узвийлик, фанлараро интеграция, шу йўналишда кадр тайёрлаш, кутилаётган натижалар акс эттирилди. Маълум бир фаннинг ўқув-методик таъминотини ишлаб чиқиш учун дидактик, илмий-методик, педагогик-психологик, эстетик, гигиеник талаблар белгилаб берилди.

Ҳар бир фаннинг мақсад ва вазифалари бугунги янги Ўзбекистон тараққиётига хизмат қилиши, таълим-илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясига суюнилиши, жамиятнинг барча жабҳаларида стратегик йўналишлар билан боғланишига эътибор қаратилди. Масалан, табиий фанларнинг Концепцияси ва ўқув дастурларида саноатнинг бевосита ривожланишида ушбу йўналишдаги билимлар (генетик инженерия, биотехнология каби фанлар) ўз ўрнига эга эканлиги, энг янги кимё ёки биологик технологияларининг ривожланишидаги кечикиш миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини пасайтириши, шунингдек, ўсиб бораётган геосиёсий рақобат шароитида унинг заифлигини ошириши мумкинлиги каби асослар киритилди.

Мактабгача таълим тизимида

Узвийлик бўйича вазирликлараро ҳамкорликнинг дастлабки кунлариданоқ мактабгача таълим мазмуни ҳужжатлари бошланғич синф билан боғланишига эътибор қаратилди. Жараёнда ЮНИСЕФ халкаро болалар фонди мутахассислари иштирокида, Эстония, Финляндия, Жанубий Корея, Польша давлатларининг тажрибаси ўрганилган.

2020 йил 22 декабрда Вазирлар Маҳкамасининг 802-сонли қарори билан «Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълим стандарти» тасдиқланди. Унинг таркибий қисмида мактабгача таълимнинг намунавий ўқув режаси, илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари ва мактабгача таълим ташкилотининг давлат ўқув дастурлари ҳам ўрин олган. «Илк қадам» ўқув дастурига қўшимча равишда 6 ёшдан 7 ёшгacha бўлган болаларни мактаб таълимига тайёрлаш учун «Илм йўли» вариатив дастур ишлаб чиқилган ва у болаларга таълим ва тарбия беришга, уларни интеллектуал, маънавий – ахлоқий, этик, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ривожлантиришга, шунингдек, болаларни 1 йил давомида мактабга тайёрлашга қаратилган. Мактабгача ёшдаги (6-7 ёш) боланинг умумий муҳим компетенциялари куйидагилардан иборат:

коммуникатив компетенция - муроқот воситаларидан турли вазиятларда фойдалана билиш қўнимаси;

ўйин компетенцияси - боланинг ўйин жараёни ва уни ташкил қилишда тажриба, билим ва қўникмалардан ижодий фойдаланиши. Ўкув-тарбиявий фаолият учун асос ҳисобланади;

ижтимоий компетенция - ҳаётай вазиятларда катталар ва тенгдошлар билан мuloқотда ахлоқ қоидалари ва мөйёrlарига риоя қилган ҳолда ўзини тутиш маҳорати;

билиш компетенцияси - атрофдаги оламни онгли равища идрок қилиш ва олинган билим, кўникма, малака ва қадриятлардан ўқув ва амалий вазифаларни ҳал қилиш учун фойдаланиш.

Боланинг ривожланиш соҳалари қўйидагилар:

- 1.Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши;
- 2.Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш;
- 3.Нутқ, мuloқот, ўқиш ва ёзиш малакалари;
- 4.Билиш жараёнининг ривожланиши;
- 5.Ижодий ривожланиш.

Тарбияланувчилар томонидан дастурлар сифатли ўзлаштирилиши ва таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш мақсадида мазкур Давлат талаблари асосида замонавий ўқув-методик мажмуалар, дидактик ва кўргазмали ўқув материаллар, шунингдек, бошқа таълим ресурслари босқичма-босқич яратилиб, ўрнатилган тартибда жойларга етказилади.

Умумий ўрта таълим тизимида

Президентимиз Янги ренессанс мактаб остонасидан бошланишини белгилаб бердилар. Бу бежизга эмас, инсон агар бутун умри давомида таълим олган тақдирда ҳам энг асосий ва катта қисмини мактаб парталарида эгаллайди. Узвийлиги таъминланаётган умумий ўрта таълимнинг Миллий ўқув дастурлари (МЎД) 21 та фандан ишлаб чиқилиб, бунда қўйидагиларга эътибор қаратилди:

бошланғич таълимни Мактабгача таълим тизими билан боғлаш, ўқувчиларда умумий ўрта таълимни давом эттириш учун зарур бўлган саводхонлик, билим, кўникма ва малакалар асосларини шакллантириш;

таянч ўрта таълим учун ўқувчиларга билим, кўникма ва малакаларнинг зарурий ҳажмини бериш, уларда мустақил фикрлаш ва таҳлил қилиш қобилиятини ривожлантириш;

ўрта таълим учун ўқувчилар томонидан зарур билим, кўникма ва малакалар ўзлаштирилиши, таълимнинг кейинги тури танланиши ҳамда юқори малака талаб қилинмайдиган касбларни эгаллаш.

Умумий ўрта таълим Миллий ўқув дастурини ишлаб чиқиш учун 21 та фандан ижодий ишчи гурухлар ишлади. Республика таълим маркази ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда (халқаро эксперт Метью Голди-Скот)да Сингапур, АҚШ, Англия (Кембридж), Корея, Япония, Гонконг дастурлари, Президент мактаблари билан Кембридж тажрибаси, ўқув дастурлари ва дарсликларини ўрганишди. Миллий ўқув дастурининг асосий янгиликлари у 9 йил эмас, 11 йиллик таълимга мўлжалланганлигида бўлиб дастурнинг мақсади ўқувчиларни ҳаётга тайёрлаш, таълим контентида амалий кўникмаларни, компетенцияларни ривожлантириш, назарий билимларни 90% дан 50%га камайтиришдан иборат.

Ўқитиши методикаси чизиқли ўқитиши - ёдлатишдан - спиралсимон, 21 аср кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилмоқда.

Дидактик таъминоти илгари фақат чет тилларидан мажмуа шаклида бўлган бўлса, энди барча фанлардан дарслик, иш дафтари, ўқитувчи учун методик қўлланма ва мультимидали иловалардан иборат бўлиши режалаштирилди.

Халқ таълими вазирининг 2020 йил 9 декабрдаги 297-сон буйруғи билан умумий ўрта таълим мактабларининг таянч ўкув режаси оптималаштирилиб, тасдиқланган, вариатив ўкув режаларга ҳам имконият яратилилмоқда. 11 йил учун ўкув юклама 11 504 соатдан 10655 соатга (- 849) туширилган. Олдинги йилдан фарқли равишда, таълим ўзбек тилидаги мактаблар учун алоҳида, таълим рус ва қардош тиллардаги мактаблар учун алоҳида ўкув режа тасдиқланиб, давлат тили сиёсати устунилиги таъминланди. Миллий ўкув дастурларида ўкувчиларга қўйиладиган малака талаблари синфлар кесимида ишлаб чиқилган, бунда синфлар ва фанлараро интеграция масалаларига эътибор қаратилмоқда, олдинги ўкув дастурларида малака талаблари бошланғич, 4-синф ва 9-синф битирувчиларга нисбатан белгилаб берилган эди.

Бошланғич профессионал таълим касб-хунар мактабларида ўқитилиши кўзда тутилади. Касб-хунар мактабларида тўққиз йиллик таянч ўрта таълим асосида икки йил мобайнида берилади, улар учун умумтаълим ва мутахассислик фанларининг икки йиллик интеграциялашган дастурлари ишлаб чиқилиши кўзда тутилган.

Касб-хунар мактабларида умумтаълим фанларининг соатлари 10 - 11 синфларга қараганда 40% га кам. Жорий ўкув йилида уларда 2018, 2019 йилларда 10 - 11 синфлар учун чоп этилган умумтаълим фанлари дарсликлардан фойдаланилмоқда, чунки бу дарсликлар 5 йилга мўлжаллаб нашр қилинган. Албатта, соатлар ҳажмининг камлиги муносабати билан қайсиdir мавзулар ўқитилмасдан қолади. Касб-хунар мактабларида 14 та умумтаълим фанлари касблар билан интеграциялашган ҳолда ўқитиши режаси мавжуд, шу асосида интеграллашган ўкув дастурлари яратиш ишлари давом этиши лозим.

Ўрта маҳсус таълим академик лицейларда тўққиз йиллик таянч ўрта таълим асосида икки йил мобайнида берилади ва у ўкувчиларнинг интеллектуал қобилиятлари жадал ривожланиши, чуқур, табақалаштирилган ва шахсга йўналтирилган таълим олишга қаратилган. Ушбу тоифа билим олувчилари учун ҳам ўкув дастурлари узвийлиги устида ишчи гуруҳлар иш олиб боришиди. Академик лицейларда жами 2 йиллик юклама 3991 соат бўлса, шундан 2148 соат умумтаълим фанларига, 1434 соати чуқурлаштирилган фанларга, 205 соати унификация қилинган фанларга, 102 соати касбий фанларга ва 102 соати давлат аттестацияси учун кўзда тутилган. Мазкур ўкув режа соатлари ҳам Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг 2021 йил 1 мартағи 109-сонли буйруғи билан “Ўрта маҳсус таълимнинг давлат таълим

стандарти” таркибида, янгиланган малака талаблари билан бирга тасдиқланди ва янги вазифалар белгилаб олинди.

Бакалавриат йўналишлари учун барча тегишли фанлардан умумий ўрта таълимнинг Миллий ўқув дастурлари билан узвийлиги устида ишланди ҳамда унинг давоми сифатида **Магистратура** мутахассисликлари учун олий таълим ўқув дастурлари такомиллаштирилмоқда.

Олий таълим тизимининг фан дастурларини умумий ўрта таълимнинг Миллий ўқув дастурлари билан боғлаш учун 1 та педагогика йўналиши танланиб, унда 110 та фан дастурлари яъни таянч Олий таълим муассасаси сифатида Низомий номидаги ТДПУ дан 93 та фан дастурлари, чет тиллари бўйича Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидан 6 та, она тили ва адабиёти бўйича Алишер Навоий номидаги ТДЎТАУдан 11 та фан дастурлари таҳлилга яъни узвийликни таъминлаш учун қайта ишлашни тақазо этди.

Таълим инспекцияси томонидан 21 та фандан Халқ таълими вазирлигига тақдим этилган 855 та камчилик ва таклифлардан 372 таси қабул қилинган, 370 таси қабул қилинмаган, 113 таси инобатга олинмаганлиги кузатилди.

Натижада, мактабгача таълимнинг “Илк қадам” ва бошланғич синфлар ўқув дастури ўртасида узвийликни таъминлаш мақсадида қуидагилар амалга оширилди:

-МТМдаги 16 та нутқий мавзунинг 10 таси 1-синф она тили фанига ўтказилди;

-ижтимоий - хиссий ривожланиш йўналиши бўйича 11 та мавзуси 1-синф «Тарбия» фанида 17 соат ҳажмда чукурлаштирилиб ўқитилиши белгиланди;

-1-синф математика ўқув дастурига 15 та мавзу киритилди, масалан, “яrim”, “чорак”, “нимчорак” (саккиздан бир), вақтнинг энг кичик бирликлари — “секунд” ва “минут” ҳақида тушунчалар, 10 ичида математик амал бажариш, геометрик шакллар ва бошқа;

-1-синф Табиий фанларда 14 та мавзу “Илк қадам”нинг мантиқий давоми сифатида киритилди;

- Тасвирий санъат-6 та, Мусиқа -5 та, Технология-5 та, Жисмоний тарбия-20 та, амалий фанлар бўйича жами 26 та мавзу 1-синф билан узвийлаштирилди.

Бирламчи хуносалар сифатида бугунга қадар умумий ўрта таълимнинг ўқув дастурларида 517 та мавзу такомиллаштирилиши, 152 та мавзунинг узвийлиги таъминланиши, 332 та мавзу халқаро тадқиқотларга мослаштирилиши ва 94 мавзу бошқа таълим турига ўтказилаётганлиги шунингдек, ўқув дастурларни жорий этиш учун тажриба синов ўтказилиши, Халқ таълими тизимида бу ўзгаришлар бу йил 1-2 синflарда акс эттирилиши каби маълумотлар тақдимотларда қайд этилди.

Олий таълимнинг ўқув дастурларига умумий ўрта таълимнинг ўқув дастурларидан она тили фанидан 40 та мавзу, математикадан 10 та, физикадан 13 та, кимёдан 8 та мавзу, биологиядан 6 та, географиядан 10 та, информатикадан 7 та мавзу ўтказилиши маълум қилинди.

Амалга оширилган ишлар ҳамда хорижий тажрибаларни ўрганиш натижасида бугунга қадар масалан, биргина умумий ўрта таълимнинг миллий ўқув дастурларида 517 та мавзуу такомиллаштирилди, 152 та мавзунинг узвийлиги таъминланди, 332 та мавзуу халқаро тадқиқотларга мослаштирилди ва 94 мавзуу бошқа таълим турларига ўтказилди.

Хулоса ва тавсиялар.

Якуний натижа сифатида мамлакатимизда илк бора 21 та фан кесимида «Мактабгача, умумий ўрта, ўрта маҳсус, профессионал ва олий таълим ўқув дастурлари узвийлигини таъминлаш Концепциялари» ҳамда «Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим миллий ўқув дастурлари» номли мажмуалар тайёрланди, таҳрир қилинди, тақризларга берилиб, нашр этилди ҳамда электрон вариантлари Таълим инспекцияси сайти ва маҳсус каналлар ва ижтимой тармоқларга жойлаштирилди. 2021 йил якунида барча вазирликлар вакиллари, муаллиф ва эксперtlар иштирокида узлуксиз таълим миллий ўқув дастурлари тақдимоти ўтказилиб Таълим инспекцияси томонидан Мактабгача таълим, Халқ таълими ва Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирликларига тажриба-синовдан ўтказиш учун тавсия этилди.

Ўқув дастурлари ва улар асосида яратилган дарслик – мажмуалар 2022 йилда **56 та (5 та Мактабгача таълим, 14 та умумий ўрта таълим, 11 академик лицей, 23 та КҲМ ва 3 та ОТМ) таълим муассасларида босқичма-босқич тажриба-синовдан ўтказилмоқда.** Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 24 сентябрдаги «Умумий ўрта таълимнинг Миллий ўқув дастурини тажриба-синовдан ўтказиш тўғрисида»ги 310-сон буйруғига асосан 2021-2022 ўқув йилининг 3-чорагидан бошлаб ўқув дастурлари ва дарсликлар лойиҳалари 3,6,7,10 –синфларда синаб кўрилмоқда. 14 та мактабда 21 та фан бўйича яратилган дарслик лойиҳалари экспериментатор ўқитувчиларга етказиб берилган, амалиётчи ўқитувчиларга методистлар ва олимлар бириктирилган. Республика таълим маркази фан методистлари жараённи кузатиб бормоқда. Ҳар бир мавзуу якунида ўқувчиларнинг ўзлаштирганлик даражаси ташқи индикаторлар ёрдамида баҳолаб борилиши кўзда тутилган.

Узлуксиз таълим тизимининг ҳар бир босқичи учун узвийлиги таъминланган ўқув дастурлари ва улар асосида яратилаётган дарсликларнинг тажриба-синовини сифатли ташкил этиш, жараёнга тажрибали ўқитувчилар, методистлар, маслаҳатчи сифатида шу соҳадаги етук олим, профессор – ўқитувчиларни тўғри бириктириш;

Ўқув дастурлари ва улар асосида яратилиб тажриба – синовга берилаётган дарсликларнинг ўқувчилар томонидан қабул қилиниши, материалларнинг осон ўзлаштирилиши, ўқувчи ёшига мослигига алоҳида эътибор қаратиш;

Тажриба-синовга берилаётган дарслик ва методик қўлланмаларнинг ўқитувчилар томонидан осон қабул қилиниши, мавзуларни тушунтириш борасида методикаларни тўғри танлаш;

Тажриба-синовга дарслик, иш дафтари, ўқитувчи китоби мавжуд бўлса мультимедиали иловаларини бирга йўналтириш, акс ҳолда ўзаро боғлиқлик

сусайиши, тайёрланадиган хulosаларда фанлар кесимида ўқув дастурлари ва дарслик мажмуаларига реал, шаффоф, танқидий-таҳлилий фикрларни бериш;

Тажриба-синов жараёнини фақат ўқитувчига ташлаб қўймасдан туман, вилоят, Республика бўйича белгиланган масъуллар томонидан вақти-вақти билан жараёнларни кузатиб, таҳлил қилиб тавсиялар бериб бориш каби жиҳатлар асоҳида ўрин тутади, бу бўйича Таълим инспекция томонидан мутсаддиларга тавсиялар бериб борилмоқда.

Хulosса ўрнида айтадиган бўлсак, янги Ўзбекистон узлуксиз таълим тизимида узвийликни таъминлашнинг аҳамияти шундаки, у эртанги кун эгалари баркамол шахс бўлиб ривожланиши, рақобатбардош мухитда ўз ўрнини топа оладиган, мантикий фикрлай оладиган, XXI аср амалий компетенцияларига эга бўладиган ёшларга сифатли таълим ва тарбия бериш тизимини яратишга ҳисса бўлиб қўшилади, деб ҳисоблаймиз.